



COVID-19 олдини олиш бўйича Россиянинг «ЭпиВакКорона» вакцинаси «Халол» сертификатини қўлга киритди, деб хабар қилади «Югра» медиа-холдинги. Хужжат Россия мусулмонлар диний идораси қошидаги Стандартлаштириш ва сертификатлаш маркази томонидан берилди.

---

Хужжатнинг хулоса қисмида айтилишича, вакцинада фойдаланилган хомашё ва унинг таркибий қисми «Халол» стандарти талабларига жавоб беради. Яъни вакцина таркибида мусулмонлар учун тақиқланган ингредиентлар йўқ. Таъқидлаш жоизки, вакцина синтез қилишда ферментлар ва гормонлар фойдаланилмайди. Унинг асосида

---

оксил ва пептид антигенлар ётади. Хозирги пайтда «ЭпиВакКорона» вакцинаси самарадорлиги борасида кўпчилик томонидан шубха билдириляпти, чунки у факат иккита клиник тадқиқот босқичини ўтиши билан муомалага киритилди, учинч босқич эса 2022 йил бошида яқун топиши кутиляпти.